

Қ А Р О Р
(маъмурий назорат ўрнатиш ҳақида)

2025 йил 14 май куни жиноят ишлари бўйича Янгиобод туман суди, жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг биносида, очиқ суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Б.Мамадаминов

судья ёрдамчиси З.Кобиловнинг котиблигида, Янгиобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Ирматов, Янгиобод тумани ИИБ ҚПБ профилактика катта инспектори Н.Тўрабеков ва фуқаро М.Хақимқуловнинг иштирокида,

1993 йил 05 октябрь куни Ховос туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилалик, бир нафар фарзанди бор, муқаддам: Россия Федерацияси, Краснодар шаҳар, Приморск туман судининг 2018 йил 06 февралдаги ҳукмига кўра, Россия Федерацияси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми (қасддан одам ўлдириш) билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 2023 йил 25 август куни жазо тўлиқ ўталганлиги сабабли жазодан озод қилинган, ёлланма ишчи, Янгиобод тумани, Баландчақир маҳалласида яшовчи Хақимқулов Муҳаммад Тохиржон ўғлига

нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш ҳақидаги Янгиобод тумани ИИБ бошлиғининг тақдимномасини чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Хақимқулов Муҳаммад Тохиржон ўғли муқаддам ўта оғир жинояти учун судланган бўлиб, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлганидан сўнг озод қилиниб, Янгиобод тумани ИИБ томонидан судланган шахс сифатида тегишли тартибда рўйхатга олиниб, ҳуқуқбузарлик содир этмаслиги ҳақида расман огоҳлантирилган бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, бир неча маротаба ҳуқуқбузарликларни содир қилган.

Жумладан, Янгиобод тумани ИИБ ҚПБ профилактика катта инспектори Н.Тўрабековнинг 2025 йил 12 март қарорига кўра, М.Хақимқуловга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 123-моддаси билан-187.500 сўм жарима жазоси тайинлаган.

Янгиобод тумани ИИБ ҚПБ профилактика катта инспектори Н.Тўрабековнинг 2025 йил 13 майдаги қарорига кўра, М.Хақимқуловга Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 56¹-моддаси билан-125.000 сўм жарима жазоси тайинлаган.

Суд, М.Хақимқуловнинг ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, бир неча маротаба ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги иш ҳужжатларидаги далолатномалар, билдиргилар, маъмурий жазо қўллаш қарорлари, тушунтириш хатлари ва бошқа ишончли деб топилган далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топган деган тўхтамга келди.



Суд, М.Хақимқуловни муқаддам содир этган жиноятдан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, яна бир қатор ҳуқуқбузарликлар содир этиб келаётганлиги ва келгусида янги жиноят содир қилиши мумкинлигини ҳисобга олиб, унга нисбатан маъмурий назорат қоидалари ўрнатишни мақсадга мувофиқ деб топади.

Чунки, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасида, оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ЖКга биноан оғир ёки ўта оғир жиноят ҳисобланадиган қилмишларни содир этганлик учун бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган шахсларга маъмурий назорат ўрнатиш мумкинлиги белгиланган.

Аниқланган ҳолатларга кўра, Россия Федерацияси, Краснодар шаҳар, Приморск туман судининг 2018 йил 06 февралдаги ҳукмига кўра, М.Хақимқуловга Россия Федерацияси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми (қасддан одам ўлдириш-ўта оғир жиноят) билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 2023 йил 25 август куни жазо тўлиқ ўталганлиги сабабли жазодан озод қилинган,

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л а д и:

Янгиобод тумани ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Хақимқулов Мухаммад Тохиржон ўғлига олти ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилсин ва унга нисбатан қўйидаги чеклашлар тадбиқ этилсин.

- Кечги соат 23⁰⁰дан эрталаб соат 06⁰⁰гача яшаш жойидан чиқиб кетиши;

- ИИБнинг руҳсатисиз Жиззах вилояти ҳудудидан чиқиб кетиши таъқиқлансин;

- Ҳар ойда бир маротаба профилактик суҳбатдан ўтиш учун яшаш жойидаги ички ишлар органининг таянч пунктига келиш;

Қарор ижроси Янгиобод тумани ИИБ раҳбарияти зиммасига юклатилсин.

Қарордан норози тарафлар мазкур суд орқали Жиззах вилоят судига шикоят бериш ёки протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

имзо

Б.Мамадаминов

Нусхаси аслига тўғри

Жиноят ишлари бўйича

Янгиобод туман судининг раиси

Б.Мамадаминов

